БОЛАЛАР УЧУН АВТОМОБИЛЬ БЕШИГИ (ЎРИНДИҒИ) ХАВФСИЗЛИГИ



maimonides
Children's Hospital

Ўрнатиш



- Болалар учун автомобиль бешигини (ўриндиғини) ўрнатиш ва транспорт воситаси эгалари учун қўлланмаларни ўқиб чиқинг
- Болалар учун автомобиль ўриндиқлари ўриндиқ камари ёки болалар креслосини маҳкамлаш (LATCH) тизимидан фойдаланиб ўр¬-натилиши мумкин *(Ҳар иккаласини қўллаш ярамайди)*
- Ўрнатиб бўлингандан кейин (ўриндиқ камари ўтган жойни текширинг) болалар учун автомобиль ўриндиғи истаган йўналишга 1 дюймдан кўпроқ ораликқа силжимаслиги мақсадга мувофиқ
- Болалар учун автомобиль ўриндиғи орт томонга қараган бўлса, у тўғри бурчак ҳосил қилган ҳолда ортга ташланганига ишонч ҳосил қилинг
- Автомобиль ўриндиғи олд томонга қараган бўлса, бошнинг олдинга оғиб кетишининг олдини олувчи устки арқон камарни таққанингизга ишонч ҳосил қилинг
- Болалар учун автомобиль бешиклари (ўриндиқлари) автомобильнинг ортқи ўриндиғида фойдаланилиши керак
- Ҳалокат юз берганда учиб, зарар берувчи ҳар қандай предметларни йўқотинг
  - *Қаттиқ предметлар (шу жумладан, ўйинчоқлар) автомобиль тўсатдан тўхтаганда ёки ҳалокатга учраганда зарар етказиши мумкин*

Хавфсизлик камарини тақиш ва Жипс қилиб боғлаш



- Хавфсизлик камари тасмалари бир текис, равон ва буралиб кетмаслиги керак
- Хавфсизлик камари тасмалари шу қадар тиғиз боғланган бўлиши керакки, натижада елкаларингиз билан ўриндиқ орасида аллақандай ортиқча предмет қисилиб қолмасин
  - *Орт томонга қараган: Елкада ёки елканинг қуйи қисмида*
  - *Олд томонга қараган: Елкада ёки елканинг бир оз уст қисмида*
- Кўкрак қайиши қўлтиққача баландликда тақилиши керак
- Болалар ўриндиғининг баландлик ва оғирлик меъёрларини билиб олинг
- Харид қилинганда ўриндиғингиз билан бирга келмаган маҳсулотлардан фойдаланманг
- Ҳажми катта чопон ва адёллар ниҳоят кўп солқилик пайдо қилади, ҳамда камар тасмаларининг устига жойланиши мақсадга мувофиқ

БИЛАРМИДИНГИЗ?

10 БОЛАЛАР УЧУН АВТМОБИЛЬ БЕШИКЛАРИНИНГ (ЎРИНДИҚЛАРИНИНГ) **9** ТАСИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЎРНАТИЛМАГАН

Болалар учун автомобиль бешигингиз (ўриндиғингиз) моҳир уста томонидан текширилишини истасангиз, бугуноқ 311 рақамига қўнғироқ қилинг!

Болалар учун автомобиль бешигингизни (ўриндиғингизни) текшириш тадбири қачон бўлишини сўраб билинг.

Чақалоқлар ва Эмаклаб юрадиган гўдаклар

☛ ОРТ ТОМОНГА ҚАРАТИЛГАН

- Болалар камида 2 ёшга кирмагунча, орт томонга қаратилган ҳолда, автомобиль ўриндиғи томон ўгирилган ҳолда ўтқизилиши керак
- Камар тасмалари текис ва равон, ҳамда гўдак елкаларига ёки елкалари қуйи қисмига қулай тарзда тақилиши мақсадга мувофиқ
- Камарнинг ўтиш тасмасини автомобиль ўриндиғига ўта яқин жойдан таққан-тақмаганингизни текшириб кўринг (Баъзи ўриндиқларда камарнинг ўтиш тасмаси бирдан кўп бўлиши мумкин)
- Ўриндиқ гўдак гавдасига мос тарзда тегишлича ортга ётқизилганига ишонч ҳосил қилинг
- Ортга қаратилган болалар учун ўриндиқлар гўдак ташийдиган, қайтарма ўриндиқлар, ёки 1-да-3 функция мужассам ўриндиқлар бўлиши мумкин
- Ортга қаратилган болалар учун бешикни (ўриндиқни) ҳеч қачон автомобильнинг олд ўриндиғига қўйманг
- Ўрама йўрғаклар янги туғилган гўдак ётган томонга қўшимча ёрдам учун қўйилиши мумкин





Эмаклаб юрадиган гўдаклар ва мактабгача ёшдаги болалар

☛ ОЛД ТОМОНГА ҚАРАТИЛГАН

- Болалар ортга қаратилган ўриндиқ баландлиги ёки оғирлик чегидан ошиб кетган тақдирда, болалар учун ўриндиқ олдга қартилган ҳолатга келтирилиши мумкин
- Камар тасмалари текис ва равон, ҳамда гўдак елкаларига ёки елкалари қуйи қисмига қулай тарзда тақилиши мақсадга мувофиқ
- Бошнинг олд тарафга силтаниши ҳолатининг олди олинишига ёрдам бериш учун гўдак бўйни ва орқа миясига хавфсиз бўлишини таъминлаган ҳолда, болалар ўриндиғини маҳкамлаш тизимининг устки арқонидан фойдаланинг
- Болалар ўриндиғини маҳкамлаш тизимининг қуйи тиргакларидан фойдаланган тақдирда, энг катта оғирлик меъёрини билганингизга ишонч ҳосил қилинг
- Камар айри тўқаси каттароқ болалар учун кўпроқ жой ҳосил қилиш мақсадида илгари жилдирилиши мумкин

Мактаб ёшидаги болалар
☛ СУЯНЧИҚСИЗ ЁРДАМЧИ ЎРИНДИҚ (БУСТЕР)

- Болалар ўз камарлари мўлжалланган катталик ёки оғирлик меъёридан ошиб кетган тақдирда, улар суянчиқсиз ёрдамчи ўриндиққа (бустерга) ўтказилиши мумкин
- Суянчиқсиз ёрдамчи ўриндиқлар (бустерлар) автомобиль ўриндиқ камари соз келсин учун болаларни кўтаришга ёрдам беради
- Баланд суянчиқли ёрдамчи ўриндиқлар (бустерлар) кўпроқ тананинг уст қисмини ҳимоялайди ва елка хавфсизлик камарини созлаш имконини беради
- Ўриндиқ камари елка ва устки тизза/тос суяклари бўйлаб жипс ёпишиб туриши лозим
- Сиз тизза ва елка камари тизимини суянчиқсиз ёрдамчи ўриндиқлар (бустерлар) билан бирга фойдаланишингиз шарт

Фақат тиззага мўлжалланган камарлар тананинг юқори қисмини ҳимояламайди





Катта ёшдаги болалар
☛ ЎРИНДИҚ КАМАРИ

Болалар ўзининг суянчиқсиз ёрдамчи ўриндиқлари (бустерлари) баландлиги ва оғирлиги меъёри ва чегига етган тақдирда, улар одатда суянчиқсиз ўриндиқларидан (бустерларидан) ўриндиқ камарларига ўтишга тайёрдирлар.

Ўриндиқ камари жипслигини текшириш учун, қуйидаги 5 босқичга риоя қилинг:

1. Болалар елкасини тик тутган ҳолда ўриндиқда ўтиришлари керак
2. Оёқлар полга текканда, тиззалар ўриндиқ чети бўйлаб қулай букилиши лозим
3. Тизза камари пастда жойлашиши ва қорин эмас, балки устки тизза/тос суяклари бўйлаб жипс ёпишиб туриши лозим
4. Елка камари бўйинга оғирлигини солмасдан, кўкрак бўйлаб жипс тақалиб туриши керак
5. Болалар бутун сафар давомида қимирламай ўтиришлари тавсия қилинади

*Агар бола **5** босқичли синовдан ўтмаса, улар суянчиқсиз ёрдамчи ўриндиқда (бустерда) юришда давом этиши керак*

Саволларингиз бўлса, Жароҳатнинг олдини олиш командамиз билан

718.283.2828

injuryprevention@maimonidesmed.org

Ёки www.NHTSA.gov

maimonides Children's Hospital

Жароҳат ва Шикастнинг олдини олиш/Маълумот-маърифат хизматлари